



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik — vatanga xizmat demak!

2022-yil 19-fevral, shanba, 20 (23.587)-son

КУН ҲИКМАТИ

Пулинг кўпайган сари бахтсизлик томон кетаётганини англамай ёки англашни истамай бораверасан

# “Яшил макон” – табиат олдидаги масъулликимиз, келажак авлод олдидаги мажбуриятимиз

## Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг мурожаати

Давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 9 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш ва ҳудудларда ҳар йили камида 200 миллион туп дарахт кўчатлари экиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Шу йилнинг 2 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишда эса “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини йил давомида амалга ошириш, экологик маданиятни юксалтириш, маҳаллаларнинг тозаллиги ва ободлигини таъминлаш масалалари бугунги кундаги энг муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.



Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, биз ҳам Самарқандда амалга оширилаётган ишларни белгилаб олдик, режа ва дастурларимизни тасдиқладик.

Бугунги кунда вилоятимизда юксак экология маданиятини шакллантириш ҳамда маҳаллаларнинг тоза ва ободлигини таъминлаш, гулзорлар ва яшил ҳудудларни ташкил қилиш бўйича соҳа мутахассислари, илмий ходимларни жалб этган ҳолда вилоят ишчи гуруҳи тузилиб, хатлов ишлари амалга оширилмоқда.

Ташкил этиладиган ҳар бир “яшил ҳудуд”да ўша жойнинг иқлимга мос, кам сув талаб қиладиган кўчатларни танлаб экиш ва томчилатиб сўғоришни жорий этиш, дарахтларни парвариш-лаш, сўғориш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича масъул бириктириш амалиёти йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари юртимиздаги ҳар бир хонадон иккитадан, ҳар бир ташкилот бештадан дарахт экиши ва буни “Ўзбекистон тажрибаси” сифатида оммалаштириш ғоясини илгари сурдилар. Биз ишонамиз, барча самарқандликлар бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, унда фаол иштирок этадилар. Дарахтни кўпайтирсак, атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга ҳисса қўшган ҳамда келажак авлод олдидаги мажбуриятимизни бажарган бўламиз.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги кунда

вилоятимизда 33 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари мавжуд. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ушбу мавсумда вилоятимизда 16 миллион 388 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ва буталари экилиши режалаштирилган. 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларига, яъни “дол-зарб 40 кунлик” давомида 6,2 миллион туп кўчат экилган бўлса, 2022 йил баҳор мавсумида яна 10 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экамиз.

Биз дарахт кўчатлари экишда ўзимизнинг анъанавий қайрағоч, шумтол, терак, чинор, тут, жийда, заранг, акация дарахт кўчатлари билан бирга, каштан, лола дарахти, оқ қайин, эман, япон сафораси, катальпа сингарии дарахт ва турли хил бута ниҳолларини экишга эътибор қаратяпмиз.

Халқимизда «Экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб», деган гап бор. Шундан келиб чиқиб, асосий эътиборни кўчат экиш, сонини кўпайтиришга эмас, унинг кўкариши, парваришга қаратамиз. Давлатимиз раҳбари ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб, экилган дарахт кўчатларининг аввало, сўғориш тизими бўлиши, парваришлаш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича тизим яратиш юзасидан ҳокимликлар олдида аниқ вазифаларни белгилаб бердилар.

Вилоятимизда дастур доирасида 234 километр узунликда томчилатиб

сўғориш тармоқлари тортилади, 289 та сўғориш қудуғи барпо қилиниб, 11 та насос агрегатлари ўрнатилади.

“Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида айни пайтда Самарқанд шаҳридаги Қорасув массивида 50 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи” барпо қилинмоқда. Чўпонота тепаликларига яшил ҳудуд яратилиб, 186 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар асосида дарахтзорлар барпо қилинади.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳудудида 6 гектар майдонда “Мирзо Улугбек боғи”ни қайта ташкил этишни режалаштирилган.

Ҳозирда вилоят миқёсида 5 миллион 61 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан электрон ҳисобга олинган. “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида экилаётган кўчатларнинг ҳам барчаси маъқур рўйхатга киритилади. Уларнинг келгуси тақдирини бошқарма масъуллари назоратида бўлади.

Келажак авлод биздан кейин ҳам нуноиб табиий муҳитда яшаши учун биз табиатга меҳр ва эътибор беришимиз, у билан уйғун бўлиб яшашимиз керак. Бу – табиатни тоза-озода тутиш, ер ва сув ресурсларини, экологик тизимни асраш демакдир.

Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш. Биз она юртимизни муқаддас деймиш. Агар шу юрт, шу тупроқ биз учун муқаддас бўлса, нима учун уни тоза-озода сақлашга эътибор бердик?

Эрта-индин юртимизда баҳор фасли бошланади. Бугун аллақачон қир ва адирларимиз яшил либос кия бошлади, табиат уйғонмоқда. Баҳорнинг ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзасидан самарали фойдаланиб, вилоятимизни боғу бўстонга айлантиришга, атрофимизда табиий ва мусоффо табиат яратишга ҳисса қўшайлик. Бу мақсадимизга эришиш учун барча самарқандликларини “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этишга чақираман!



# БАҲОР



# ЯҚИН...



## Самарқанд шаҳрига янги ҳоким тайинланди

17 февраль куни халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ўтказилди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этган сессияда ташкилий масала кўрилди.

2019 йил май ойидан буён Самарқанд шаҳрига ҳокимлик қилиб келган Бобурмирозо Облоқулов бошқа ишга ўтиши муносабати билан вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари – қўмида ҳузуридаги кадастр агентлиги директори лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Фазлиддин Каримович Умаров Самарқанд шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Ф.Умаров 1978 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатасида ишлаган. Сессияда Э.Турдимов шаҳарда амалга оширилиши керак бўлган ишлар ва янги ҳоким зиммасидаги вазифаларга тўхталди.

## Бизнинг суҳбат

Каттақўрғон аҳли шаҳар ҳокимининг супермаркет ёки бозорда рўзғорига бозорлик қилаётганини кўриб ҳайратланмайди. У истаган пайти турли ташкилотларга тўсатдан бориб, ҳақиқий аҳволни ўрганиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ҳалол ишламайдиган ходимни аяб ўтирмаслиги аён бўлиб қолган. Оммавий ахборот воситалари-ю, ҳокимлик матбуот хизматидан ўз фаолиятини очик ёритишни талаб қилган ҳам ҳокимнинг ўзи.

Бугунги суҳбатдошимиз – Каттақўрғон шаҳар ҳокими, сенатор Гавҳар Алимованинг ҳоким сифатида дуч келган муаммолар, ҳудуддаги ўзгариш ва янгиликлар ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

# Гавҳар АЛИМОВА:

## Ишга келганимда ҳокимлик бюджетига

## ИККИ МИЛЛИОН

## сўм бор эди



– Ҳоким бўлиш ёшлигингизда хаёлингиздан ўтганими?

– Шундай хаёллар бўлган. Самарқанд туманида биттагина ҳоким опа фаолият юритарди, у киши ҳақида ҳамма биларди, ҳавас қиларди. Жумладан, мен ҳам. Тўғри, болаликда турлича орзулар бўлади ва кўпчилик болалар сингарии мен ҳам аввалига ўқитувчи бўлиш ҳақида ўйлаганман. Аммо йиллар ўтиб, мақсадларим катталашган, ўзим туғилиб ўсган Жомбой туманига фойдам тегадиган даражадаги одам бўлсам, деган хаёлларда бўлганман.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

# Раҳбарларга осон бўлмади

## ҳисоботлар танқидий муҳокама қилинди

18 февраль куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг эллик еттинчи сессияси ўтказилди.

Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарди.

Дастлаб бир қатор масалалар, жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги, Самарқанд вилоятида юридик шахслар мол-мулк солигини ҳисоблашда кўчмас мулкнинг мутлақ қийматига камайтурувчи коэффицентларни қўллаш тўғрисидаги, вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш ҳақидаги масалалар тасдиқлаб олинди.

Шундан сўнг Самарқанд вилоятини 2022–2026 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ва дастурни 2022 йилда амалга ошириш “Йўл харитаси” лойиҳаси муҳокама этилди.

– Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифа ва максатлардан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятини 2022–2026 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 390,2 триллион сўмга (1,4 баробарга), саноат маҳсулотлари ҳажмини 176 триллион сўмга (1,5 баробарга), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини 278,0 триллион сўмга (1,2 баробарга), хизмат кўрсатиш ҳажмини 254,2 триллион сўмга (2,7 баробарга), қурилиш ишлари ҳажмини 65,8 триллион сўмга (1,8 баробарга) ошириш кўзда тутилмоқда, – деди мазкур масала юзасидан сўзга чиққан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Уроқов. – Беш йил давомида 2897,2 километр ичимлик суви тармоқларини тортиш ва реконструкция қилиш ҳисобига аҳолининг ичимлик суви билан таъминлигини даражасини 83,9 фоизга, оқова сув тизими билан қамров даражасини 35,6 фоизга етказиш, 25,5 минг хонадонли 784 та кўп қаватли уй қуриш режалаштирилмоқда. Ишсизлик даражасини 9,7 фоиздан 6,2 фоизга тушириш, 1732 та оилани камбағалликдан чиқариш, 241,5 минг кишининг

иш билан бандлигини таъминлаш вазифалари дастурга киритилган.

Дастурда кўзда тутилган ҳудудларнинг иқтисослашуви, вилоятни 2022 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Депутатлар дастур ва “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритишга қарор қилдилар. Мазкур ҳужжатлар тасдиқланганидан сўнг беш йил давомида амалга оширилаётган режа ва максатлардан аҳолини оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Сессияда вилоятдаги турли соҳа ва тармоқларда олиб борилаётган ишлар, Президент фармон ва қарорларининг ижроси юзасидан масъулларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов вилоятда ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қўмақлашиш, ёш авлоднинг истеъдод ва қобилиятини ривожлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида, вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси С.Жумаева давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ҳисобот берди.

Депутатлар мазкур ҳисоботларни маъқуллаш ҳолда ушбу йўналишлардаги ишларни такомиллаштириш юзасидан ўз тақлифларини билдирдилар, қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Хусусан, “Ёшлар дафтари”га киритилиб, белгиланган тартибда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилган ёшларнинг кейинги тақдирини билан қизиқиш зарурлиги таъкидланди. Асбоб-ускуна ёки кредит берилиб, дафтардан чиқарилган ёшларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда ўз йўлини топиб кета олмаётгани, уларни аввало, мустақил ҳаёт-

га тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

– Ҳеч кимга сир эмас, бугун қўллаб ота-оналар фарзандини яқинларига ташлаб, хоржида ишляпти, – дейди депутат Д.Облоқулова. – Табиийки, улар психолог ёрдамига эҳтиёж сезишади. Лекин бугун мактабларимизда ёшлар етакчилиги лавозими ҳам қисқарди. Инспектор сяхолқ штати эса жуда кам. Шу сабабли психологлар учун қўшимча штатлар ажратиш масаласи ўйлаб кўриلسа, яхши бўларди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Х.Очилов бу тақлифни маъқуллаб, тегишли идоралар билан биргаликда ўрганиб чиқишни айтди.

С.Жумаевага депутатлар “Аёллар дафтари”даги хотин-қизлар фаолигини ошириш ва уларни боқиманда бўлиб қолишдан асраш, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган аёлларга эътиборни кучайтириш, хотин-қизлар учун реал иш ўринларини кўпайтириш, истеъдодли қизлар билан ишлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан тақлиф ва тавсияларни билдирдилар. Бу ишларни қўйидан бошлаш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Л.Ҳамидов вилоят ҳудудларида шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилиши аҳволи тўғрисидаги ҳисоботида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими жорий этилган, соҳада қўллаб-қўйиш ўзгаришлар бўлгани, қурилиш объект худудий назорат инспекцияси инспекторлари самарали фаолият олиб бораётганини қайд этди. Бугунги кунда электрон тизимда 2642 та объект рўйхатга олингани ва уларда 8508 та мониторинг ишлари ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан кўрсатмалар берилгани таъкидланди. Кўрсатмалар ижроси таъминлангани учун 63 ҳолатда маъмурий баённомалар расмийлаштирилгани айтилди.

Аммо депутатлар бошқарма бошлиғи ҳисоботидаги рақамларни тинглаб ўтириш билан чекланмади. Аниқ мисоллар асосида жойларда ноқонуний қурилишлар давом этаётгани, қурилиш ишларининг сифати пастлиги ҳақида

этирозларини билдирди.

Жумладан, Самарқанд шаҳрида аксарият янги объектлар атрофида автомобиллар учун жой ажратилмагани, янги қурилган пиёдалар йўлакларининг яроқсиз ҳолатга келиб қолгани, Нуробод туманида ўтган йил фойдаланишга топширилган таълим муассасасидаги камчиликлар ҳақида бошқарма бошлиғи ва масъуллардан жавоб сўралди.

Депутат Б.Насриев эса Самарқанд шаҳридаги Геологлар маҳалласида шаҳар ҳокими қарори билан биринчи қаватини маҳалла фуқаролар йиғинига ажратиш ва иккинчи қаватда маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш шарти билан қурилишга рухсат берилган бино бугунги кунда тураржой сифатида қурилаётгани, бу ҳақда бошқармага мурожаат қилган бўлса-да, ҳалигача қурилиш ишлари тўхтатилмаганидан эътироз билдирди. Шаҳарнинг Давлатшоҳ Самарқандий ва Машал маҳаллаларида ҳам ана шундай ҳолатларга йўл қўйилганини танқид қилди.

Депутатлар томонидан қайд этилган барча масалалар юзасидан бошқарма бошлиғи ва соҳа масъулларига топшириқ берилиб, ҳар бир объектни ўрганиш ва унинг натижаси асосида чоралар кўриш бўйича вазифалар белгиланди.

Вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи М.Ибодуллоевнинг вилоят ташкилотлари фаолиятида очиллик ва шаффофликни таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги, ахборот технологиялари ишлари, шунингдек, аҳолининг интернет тармоқларидан эркин ва тезкорлик билан фойдаланишига оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари ҳам танқидий муҳокама қилиниб, бир қатор тақлиф ва тавсиялар билдирди.

Бу галги сессия ҳам онлайн тарзда ижтимоий тармоқлар орқали намойиш этилиши билан бирга, ушбу жараёни кузатиб борган аҳолининг фикрлари, саволларига эътибор қаратилиб, ҳисобот берган раҳбарлардан изоҳ сўралди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Самарқанд вилоятида 2022 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 186-модда) қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (30.12.2021 йилдаги 01/26-18-2212-сон), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлигининг (30.12.2021 йилдаги 02/36-01-6/10-5187-сон) ҳамда Молия вазирлигининг (30.12.2021 йилдаги 02/04-02-01-32/3116-сон) қўшма хатини инобатга олиб, ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1. Қуйидагилар: Самарқанд вилоятида 2022 йилда давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага; ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи (Й.Фарҳодов)га: давлат мулкани ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш; ижарага берилган давлат мулкани ва уни ижарага беришдан тўшадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш; ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш; ижара объектларидан мақсадли фойдаланишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш; фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилётган давлат мулкларни рўйхатларини даврий нашрларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси ва Савдо-сановат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаларининг веб-сайтларида жойлаштирилишини таъминлаш топирилсин. 3. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг вилоят ҳудудий бошқарма-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ёшлик йилларингиздаги мақсадлар амалга ошириб, мана бугун Самарқанд вилоятидаги икки шаҳардан бири, яъни Каттақўрғон шаҳрида ҳокимсиз. Айтинг-чи, аёл ҳоким сифатида сизни каттақўрғонликлар қандай кутиб олишди?

Каттақўрғонда аёлларга ўзгача бир муносабат бор экан. Республика миқёсидаги ташкилотларда фаолият юритганимда Наманганда ҳам шундай ҳолатга дуч келганим. У ерда аёлларга ҳурмат билан "ойим", деб муносабат қилишаркан. Каттақўрғонда эса "мулла опа" дея аёлларни эъзозлашди. Азалдан аёллари қадрлиниб, уларга бошқача эҳтиром кўрсатиларкан бу ерда. Шунинг учун бўлса керак, ҳоким бўлиб келган пайтимида Каттақўрғон аҳли мени ўзгача бир илиқлик, янгилинишларга ишонч билан кутиб олди.

Тўғри, келганимда икки-уч ой давомида жуда кўп қийинчиликлар бўлди. Муаммолар кўп эди. Қолаверса, айти пандемия, карантин эълон қилинган кунлари иш бошлаганим. Ҳар кун ҳокимият олдида камида ўн беш чоғли одам турли муаммолари билан йиғилиб турарди. Уларнинг ҳаммасини бирма-бир ўрганар, қўлдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилардим. Лекин ўша пайтда, ишга келганимда ҳокимлик бюджетига бор-йўғи 2 миллион сўм маблағ бор эди.

Кўп қийинчилик бўлди, деяпсиз. Баъзиларини айтиб бера оласизми?

Ёрдам сўраб келувчилар оқими тўхтамасди. Бюджетда юқорида айтганимдай, озгина пул. Нима қилиш керак? Одамлар билан самимий мулоқот жуда кўп нарсаларни ҳал қилиши мумкин. Ишни бошлаганимда биринчи навбатда, эиёлилар, асли каттақўрғонлик, аммо турли ҳудудларда меҳнат қилаётган фаоллар, ҳожи ота, ҳожи оналар билан гаплашдим. Шаҳарни ривожлантириш учун уларнинг таклифларини эшитдим.

Гавҳар АЛИМОВА: Ишга келганимда ҳокимлик бюджетига ИККИ МИЛЛИОН сўм бор эди

Тизимли режаларни вилоят, республика миқёсига олиб чиқдик. 2020 йилда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева келиб, шаҳардаги вазият билан таниди. Қолаверса, вилоят ҳокимининг ўзи ҳам Каттақўрғон шаҳридаги муаммолар билан қизиқди ва уларни ҳал қилиш учун дастурлар ишлаб чиқилди. Кўп ўтмай, шаҳарда кўзга кўринарли ўзгаришлар содир бўла бошлади. Йўл қурилиши, ичимлик суви таъминоти, уйлар қурилиши ва аҳолининг 50 йиллик орузи бўлган университет филиали ташкил этилиши каби катта ишлар амалга оширилди.

Лекин буларнинг ҳаммаси катта маблағ, деганим.

Тўғри, бундай катта ишлар албатта, республика, вилоят ёрдами билан амалга оширилди. Аҳоли ҳам ҳар бир ўзгаришга, ободончилик ишларига бефарқ қараб турмай, ўз хиссасини қўша бошлади. Бунёдкорлик ишлари ҳамжихатликда олиб борилди.

Ҳалол ишламайдиган ходимларнингизга чора кўрган пайтларингиз ҳам бўлди?

Афсуски, бўлди. Тўрт-беш нафар ходимнинг виждонсизлиги қилгани, ҳар бир ишдан ўз фойдасини кўзлаб иш юритганини сезиб қолдик ва дарҳол хайрлашдик. Баъзиларига имкон бердик, аммо яна ўшандай ишларини давом эттирди. Бошқа

Ҳоким бўлиб келганингизда айрим кишилар билан судлашмиш-гача борганингизни эшитганингиз?

Ҳа, шундай ҳолатлар юзага келди. Очичка айтадиган бўлсам, жиддий "шантаж"лар бўлди. Бир гуруҳ етарлича моддий таъминланган кишилар томонидан баъзи шартлар қўйилиши нафсониятимга тегилиши муҳофиза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда уларнинг попуғини пасайтириб қўйдик.

Қолаверса, аҳоли орасида тинимсиз шикоят қиладиган маълум бир тоифа кишилар қатлами пайдо бўлди. Уларга қанча ёрдам кўрсатилмасин, арзимаган баҳоналар билан республика ташкилотларига чиқа бошлади. Уларнинг хонадонига бориб, масалани очиб қўйдим. Тўғри, биз ҳукумат одамимиз, аҳолига қонун доирасида ёрдам беришимиз керак. Лекин битта одамнинг инжиқлиги деб бошқа эҳтиёжман инсоннинг ҳақини олиб беролмаймиз. Бунга йўл қўймаслигимиз керак.

Каттақўрғон шаҳрида кейинги йилларда юз берган энг муҳим ўзгаришлар ҳақида айти оласизми?

Шаҳардаги ички йўлларнинг 50 фоизи жуда абгор ҳолатда эди, уларнинг 30 фоизи тўла таъмирланди, бу йил қолгани ҳам амалга оширилади. Шаҳарда биринчи

марта 12 қаватли тураржойлар қурилди. Тарихда илк бор университет филиали ташкил этилди.

Биргина 2021 йилда 63 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди, 400 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

2021 йилда 8,9 миллион АҚШ долларилик экспорт амалга оширилди.

Бугунги кунда ҳудудий қорхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган 24 хилдаги маҳсулот ўнта хорижий давлатга экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори асосида "Каттақўрғон Агросервис МТПП" ва "Ингичка кони" АЖ кичик саноат зоналари ташкил этилди. Мазкур кичик саноат зоналарида умумий қиймати 46,1 миллиард сўм бўлган 11 та инвестиция лойиҳаси жойлаштирилган бўлиб, шундан 7 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди.

Оқ олтин маҳалласидаги 54 та, Нуробод маҳалласидаги 57 та уй-жойлар таъмирланди.

Бугунги кунда шаҳар аҳолисининг 71,3 фоизи марказлашган ичимлик суви ва 41 фоизи марказлашган оқова хизмати билан таъминланган.

2022-2023 йилларда шаҳарнинг қолган 28,7 фоиз аҳолисини ичимлик суви ва 59 фоизини оқова сув тармоғи билан тўлиқ таъминлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Бу лойиҳани Жаҳон банкининг 66 миллион долларлик кредит маблағлари доирасида амалга оширамиз.

Шунингдек, бу йил Ингичка қўрғони Нуробод маҳалласи ҳудудида 20 гектар майдонда "Ургут" эркин иқтисодий зонасининг Каттақўрғон филиалини ташкил этиш ва у ерда 11 та лойиҳани жойлаштириш ҳисобига 53 миллион доллар миқдорда инвестициялар ўзлаштириш режалаштирилган. Яна 7,2 гектар майдонда 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилади.

Мазмунли сўхбатингиз учун раҳмат! Гурлўх МҮМИНОВА сўхбатлашди.

Фуқаролик жамияти институтларининг ислохотлар жараёнидаги иштироки

ННТларнинг давлат ва бошқарув ташкилотлари билан алоқаси турли соҳаларда, хусусан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида ривожланиб бормоқда.

Буни SOS Ўзбекистон болалар маҳаллари Самарқанд филиали мисолида ҳам айтиш мумкин. Чунки ташкилотимизнинг ҳудудда термо-иссиқхона ва жонли бурчак ташкил этиш лойиҳаси халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 31 миллион сўм маблағ билан молиялаштирилди.

Лойиҳада кўзланган мақсад ташкилот бўш ерларидан унумли фойдаланиш, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни боғдорчилик, чорвачиликка йўналтиришдан иборат. Ўз навбатида, келажакимиз ворисларига кимёвий ўғитларсиз, энергия ва иссиқлик сарфламай цитрус ва бошқа ўсимликлар етиштириш, томчилаиб сугориш каби инновацион усулларни амалда ўзлаштиришларига кўмаклашиш режалаштирилган.

Аслида табиат ва жониворлар билан мулоқот болаларнинг агрессив ҳолатини сўндиришга ва энг асосийси, бўш вақтини мазмунли ўтказиб, экологик маданияти юксалишига хизмат қилиши илмий жиҳатдан исботланган. Шу боис лойиҳамиз аҳамиятига тўла ишонганимиз.

Лойиҳа доирасида жонли бурчак ва иссиқхона қуриш, ўсимликларни экиш ҳамда

жониворларни мослаштиришда Самарқанд давлат университетининг малакали ходимлари билан ижтимоий ҳамкорлик асосида иш олиб борилди. Жумладан, 32 метр квадрат майдонли термо-иссиқхона қурилди. Бу ерда 8 туп лимон кўчати, киви, банан ва қулупнай экилган.

Шунингдек, 114 метр квадрат жонли бурчакда 1 бош сигир, 2 бош қўй, 4 та қўён, хўроз ва товۇқ парвариланмоқда. Улар болалар соғлиғига хавф туғдирмаслиги учун шаҳар ветеринария ходимлари томонидан белгиланган мuddатда эмланмоқда.

Дарвоқе, иссиқхонада етиштирилган ҳосилни ташкилот жойлашган Самарқанд шаҳри Шодлик маҳалласида истиқомат қилаётган ёлғиз, кекса отахон ва онахонларга тарқатишни режалаштирялмиз. Токи, болаларимиз бугундан саяхатлик, қўли очикликни ўрганиб ўссин.

Фуқаролик жамиятининг асосий кўрсаткичи нодавлат ташкилотларнинг сони эмас, балки фуқароларнинг уларга жалб этилганлиги, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳисобланади. Юртимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу боис четда қараб турманг, ҳеч бўлмаса, қишлоқнингиз, маҳаллангиздаги муаммолар ечимини учун ҳаракат қилинг. Бу сизнинг қўлингиздан келади.

Дилрабо ДАВРОНОВА, SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари Самарқанд филиали директори.

Президент қарорига кўра

Жорий йилнинг 19 январь куни Президент қарори билан ёшлар билан ишлашнинг янги бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал қилиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Маҳалладаги ёшлар етакчилари тавсияси асосида қандай ёрдамлар берилади?

Қарорга кўра, 2022 йил 1 мартдан қуйида кўрсатилган ёрдам турлари айнан етакчининг тавсияси асосида ижарага бериш:

- 1. Моддий аҳоли қийин ёшларни қўллаб-қувватлаш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам. 2. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга 12 ойгача тураржой ижараси компенсациясини қоплаш учун – ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорда субсидия. 3. Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия. 4. Мамлакатдаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача қисмини қоплаш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия. 5. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг сафарбарлик қақруви резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун субсидия. 6. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда субсидия. 7. Ижтимоий ҳимояга муҳтож янги турмуш қураётган ёш оилаларга ўз хонадонига қўшимча уй-жой қуриши учун тижорат банклари томонидан 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишга кафилилик. 8. Уй-жой сотиб олиш ёки яққа тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тўлашда алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга тоифасига мансублиги бўйича тавсия. 9. Спорт тўғрақларини ташкил этиш учун маҳаллада бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказ-

маган ҳолда, ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорда ижарага бериш.

10. Аҳоли оғир бўлган 30 ёшдан ошмаган бемор фуқароларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия.

11. Ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача бўлган қисми ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топириш харажатларини қоплаб бериш.

12. Ногиронлиги бўлган ёшларни нодавлат таълим ташкилотларида касб-хунарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, шунингдек, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган миқдорда субсидия.

13. Ногиронлиги бўлган ёшларга касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-хунарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, шунингдек, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратиш.

Етакчи юқорида кўрсатилган ёрдам турларини бериш кўзда тутилган ҳар бир муносабатнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини муқим ўрганган ҳолда уларни бериш учун маъсул идора ва ташкилотларга ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия беради. Бериладиган таълимнинг асослиги, ҳаққонийлиги ва адолатлиги учун маъсул ҳисобланади.

Вилоят ҳоқими Э.ТУРДИМОВ 2022 йил 16 февраль № 74-7-0-Қ/22 (Қарор иловаси билан Zartnews.uz сайтида танишишингиз мумкин)



Паст Дарғомдаги МАРКАЗИЙ ШИФОХОНА қачон таъмирланади?

Паст Дарғом тумани тиббиёт бирлашмаси 520 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда 2500 нафардан ортиқ ходим ишлайди.

Бирлашмага қарашли 24 та қишлоқ врачлик пункти, юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда марказий шифохона таъмирлаш муҳтож, - дейди тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Баҳром Султонов. - Масалан, тумандаги марказий шифохона 10 йилдан буён таъмирланмаган. Шу боис канализация қувурлари ёрилиб, сув сизиб чиқиши оқибатида шифохонанинг ертўла қисми захлаб кетган. Шунингдек, ертўлада электр симлари очилиб, носоз ҳолатга келиб қолган. Туманда 2013 йил фойдаланишга топширилган 40 ўринга мўлжалланган юқумли касалликлар шифохонасининг

ташқи қисми ва қозонхонаси ҳам таъмирлаш муҳтож. - Бинонинг фасади таъмирланмаганига икки йилдан ошди, - дейди юқумли касалликлар шифохонаси бўлими бошлиғи Аҳрор Суюнов. - Шу тўғрисида девор юзаси кўпорилиб тушмоқда. Қор-ёмирили кунларда қозонхона деворларига шикаст етиб, ичкарига сув тўпланмоқда ва иситиш тизимида муаммолар кузатиляпти. Паст Дарғом тумани янги қиёфага кираётгани яхши. Бу жараёнда марказий шифохонага ҳам эътибор қаратилса, айти мuddао бўларди. Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.

## “Бир нуруний – ўн нафар ёшга мураббий”

Болани ёшлигидан жамоат орасида ўзини тутиш одобрлари-га ўргатиш бизнинг азалий қадриятларимиздан бири саналади. Чунки фарзанд улғайган сари инсонлар билан муомалага киришади, ўзаро муносабат одобрларига амал қила бошлайди. Бу эса уларда дўстлик, меҳрибонлик, ўзгаларни ҳурмат қилиш кўникмаларини шакллантиради.

Аксариятимиз фарзанд тарбиясида миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш учун буюк алломалар, мутафаккирларимизни ўрнак қилиб кўрсатишга одатланганмиз. Аммо аждодлар меросидан баҳра олиб, ҳаётда ўз ўрнини топган, кўпни кўрган, меҳнатда суяги қотган, ҳозир

орамизда пиру бадавлат бўлиб яшаётган отахонлару онахонлардан намуна олишни унутиб қўйгандаймиз.

Шуларни инобатга олиб, “Бир нуруний – ўн нафар ёшга мураббий” тамойили асосида фуқаролар йиғини раиси ва унинг ўринбосарлари, “Кексалар маслаҳати”

гурӯҳлари ва “Бувижонлар мактаби” кенгашлари аъзолари тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмаган, ишсиз ёшларга бирик-тирилмоқда.

Намуна сифатида маҳаллаларда кекса авлод вакиллари билан аҳоли ўртасидаги учрашувларни ташкил этиш орқали ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш борасидаги ишларни бошлаб юбордик.

**Жибак АҲАДОВА,**  
**Пайариқ тумани**  
**“Нурунийлар” жамоатчилиги**  
**кенгаши аъзоси.**

Тойлоқлик ижодкорлар Самарқанд адабий муҳитида ўз ўрнига эга. Тарихнавис ёзувчи, шоира Саломат Маматқуллова бу муҳитнинг забардаст вакиллари билан бири.

## Тарихий роман ёзишга ҳар ким ҳам жазм этмайди

Ижодкорнинг “Эй, дил”, “Тахти Сулаймон”, “Сенсиз”, “Ишқ осмони” шеърӣ тўпламлари ҳамда “Ҳукмдорнинг буюк армони”, “Ялангтўш тутган йўлбарс”, “Қалбимдаги Ватан” каби тарихий-бадий асарлари китобхонлар томонидан эътироф этилган. Кейинги йилларда ижодкор бир нечта тарихий асарлар ёзди. Хусусан,

“Қалбимдаги Ватан” тарихий-бадий романида Бухоро амирлигининг ҳукмдори, манғиллар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Сайид Олимхон ва унинг ҳос сарбозларидан бири бўлган Қобилбекнинг аянчли тақдири қаламга олинган. Романда бош қаҳрамоннинг ватан

соғинчи, унинг қалб кечинмалари тасвири ўқувчини тўлқинлантиради, баъзан изтиробга солади. Амир Олимхоннинг замон зайли, сиёсий талотўпларда ҳукмдор сифатида ўз мажбуриятлари, Ватан мустақиллигини сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатлари бадий буюкларда тасвирланади. Ёзувчи ушбу асар билан тарихий

### Китобингизни ўқидим

романлар ёзишда катта тажрибага эга бўлди. Кейинги қўл урган асари – “Ялангтўш тутган йўлбарс” романи эса унинг чинакам истеъдодини намоён қилди. Бу салмоқли китобни Регистон мажмуасининг бунёдкори, буюк саркарда, аждодимиз Баҳодир Ялангтўш ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги камсонли тарихий-бадий асар, дейиш мумкин.

Айни кунларда ижодкорнинг “Тақдирнинг шум кечмиши” номи мураккаб сюжетли романини ўқиялман. Романда-ги воқеалар қизиқарили ва зиддиятди.

Бу каби тарихий асарларни ёзишга ҳар ким ҳам жазм этавермайди. Бунинг учун истеъдод ва билим зарур. Ижодкорнинг асарлари тарихимиз, буюк аждодларимизни танишда ёш авлодга қимматли манба ўрнида ҳам асқотишига ишонаман.  
**Роҳила БОБОМУРОВА.**

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## Ўткир САМИЕВ



Бешафқат ўлим моҳир педагог, кўли эм шифокор, Самарқанд давлат тиббиёт институти доценти Ўткир Самиевни орамиздан олиб кетди.

Ў.Самиев 1952 йилда Самарқанд тумани Хаймари қишлоғида туғилиб вояга етди. Ўрта мактабни битиргач, Самарқанд давлат тиббиёт институтида ўқиди. Институтнинг даволash факультетини тугатган ёш мутахассис клиник ординатор бўлиб ишлади. Икки йилдан сўнг уни Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси врач-терапевти вазифасига ишга қабул қилишди.

Домла 1980 йилда институтга қайтиб, аспирантурада тахсил олди. 1987 йилгача шу ерда ассистентлик қилди. Сўнгги даволash факультети декани ўринбосари сифатида ишини давом эттирди. Тўрт йил институтнинг 1-ички касалликлар кафедрасида доцент лавозимида ишлади.

Ўткир Самиев кўп йиллар институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори лавозимида фаолият кўрсатиб, ёшлар тарбияси ва

маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда муносиб ҳисса қўшди.

Устоз 2006-2011 йилларда ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасига мудирилик қилди. Кейинги пайтда мазкур кафедра доценти сифатида ишлаб, магистр ва талабаларга сабоқ бериб келаётган эди.

Ў.Самиевнинг 200 дан ортиқ илмий ишлари, 15 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалари chop этилган. Шунингдек, у 14 та иختиро ва 3 та монографияга муаллифлик қилган. Унинг раҳбарлигида икки нафар шогирди номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Олим юртимизда, МДХ ва Европа давлатларида ўтказилган кўплаб нуфузли илмий-амалий конференцияларда иштирок этиб маърузалар қилган.

Доцент, моҳир педагог Ўткир Самиев қарийб 40 йил давомида талабаларга тиббий билим бериб, уларнинг етук мутахассис бўлишлари учун ҳаракат қилди.

Ў.Самиевнинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб қадрланиб, вилоят соғлиқни

сақлаш бошқармаси, институт ҳамда шаҳар ҳокимлигининг қимматбахо совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. У “Афғон халқи номидан миннатдорлик” кўкрак нишони соҳиби ҳам эди.

Домла меҳрибон ота сифатида икки нафар фарзандни тарбиялаб, ҳаётда муносиб ўрин топишларига етарли шарт-шароит яратиб берди.

Таърибали шифокор, моҳир педагог Ўткир Самиевнинг ёрқин хотираси оиласи, дўстлари ва шогирдлари қалбидан абадий сақланади.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚўМИТАСИ ҲАМДА 1-СОН КЛИНИКА ЖАМОАСИ.**

### АВТОМАШИНАЛАР ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ!

Самарқанд туманидаги “GULISTON AVTOKEPPIŖING” масъулияти чекланган жамияти “Ласетти”, “Нексиа” ва “Матиз” русумли енгил автомобилларни ҳақ эвазига ижарага беради.  
**Мурожаат учун телефон: +99891-535-58-58.**

## ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАНГ, ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги ПҚ-90-сонли қароридан 2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тарзидagi даромадлари даромад солиғидан озод қилиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахсларнинг акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тарзидagi даромадларига Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахслар сингари фойда солиғининг 5 фоиз ставкаси таъбиқ этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 42-моддасига асосан акциядор ўзига оид паспорт маълумотларидаги ўзгаришлар ҳақида хизмат кўрсатувчи депозитарийга (инвестиция воситачисига) ўз вақтида хабар бериши шарт.

**Шу сабабдан Depositariy “Samarqand Vaqt” масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни:**

- **жисмоний шахслар** - шахсини тасдиқловчи ҳужжат - паспорти ва солиқ тўловчининг идентификация рақами тўғрисидаги

ҳужжат нусхалари (СТИР), телефон рақами, электрон почта манзили, банк реквизитлари, шу жумладан, пластик карта маълумотлари кўрсатилган ҳамда имзоланган анкеталарни;

- **юридик шахслар** - юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоми, таъсис ҳужжатлари, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва КТУТ коди (резидентлар учун), унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк реквизитлари, телефон рақами ва электрон почта манзили кўрсатилган ҳамда имзо ва муҳри қўйилган анкеталарни тақдим этилишини сўрайди.

Акциядорлар ўзига тегишли бўлган акцияларнинг бугунги кундаги аниқ қиймати ва сони бўйича “депо ҳисоб varaғи”дан кўчирма нусхасини бепул олиши мумкин.

Ҳурматли акциядорлар, ушбу маълумотлар юзасидан акциядорлик жамияти жойлашган манзилга ҳам мурожаат этишингиз ва ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим.

Барча маълумотлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-“А” уй, 8-қават. Мўлжал: Самарқанд вилояти ҳокимлиги. Мурожаат учун телефонлар: +99866-233-93-66, +99891-535-54-99, +99891-527-02-49. E-mail: samarqandvaqt@mail.ru**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳридаги “GOLDEN TRADING SUPER FOOD GROUP” МҲЖ (СТИР: 305862441), “GOLDEN TRADING FOOD GROUP” МҲЖ (СТИР: 305863473) ва “GOLDEN TRADING BISCUIT FOOD GROUP” МҲЖ (СТИР: 305863458) ўзларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (актив ва пассивлари) билан уларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган “IDEAL” МҲЖ (СТИР: 203650814) таркибига бириктирилмоқда. Шу муносабат билан унга белдириладиган барча эътирозлар газетда эълон chop этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳқўчаси, Бывковский тор йўлак, 5/6-уй. Мурожаат учун телефон: +99891-550-66-00.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Жамалов Надир Ташпулатовичга (2020 йил 4 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович но-

тариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси, Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Абдуразақова Ибодатга (2016 йил 26 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Саитова Назлига (2021 йил 25 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Абдурахимов Кароматга (2016 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисрамовна нотариал идорасида марҳум Мансуров Парвиз Баходуровичга (2020 йил 3 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисрамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

БЕКОР ҚИЛИНАДИ  
Паст Дарғом туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Қувондиқова Зулайхо Расул кизи номига

берилган UM № 0965867 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги «PALMA FAYZ SAVDO» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 303108874) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 68-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Убайдуллаев Фурқат Фарходович номига берилган U № 3666158 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 68-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Убайдуллаев Фозил Фарходович номига берилган U № 4249851 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги «Намуна» уй-жой мулкдорлари ширкатининг (СТИР: 203871714) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 80-умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Маъмунова Маржона Фарход кизи номига берилган UM № 0963704 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 21-ўрта мактабдан 1989 йилда Хамроқулов Муҳсин Умарқулович номига берилган Д № 848508 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туман давлат хизматлари марказидан 2020 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтган «NAYMAN FIRDAYS SHAROB SAVDO» хусусий корхонасининг (СТИР: 307991392) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, корхона низоми, думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд педагогика коллежидан 2006 йилда Назарова Саодат Насирбоевна номига берилган рўйхат рақами 494, К № 578758 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги Бахрин қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўнар коллежи томонидан 2018 йил Хамидов Махмуджон Низом ўгли номига берилган К № 5118032 рақамли диплом ва унинг иловаси (рўйхат рақами -11057) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 7-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Асанова Диёра Раҳим кизи номига берилган UM № 0959081 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 34-ўрта мактабдан 1992 йилда Насриева Гулноза Савриевна номига берилган UM № 216948 рақамли тўлиқсиз ўрта таълим тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2020 йилда Элмуратов Шахобиддин Шерали ўгли номига берилган рўйхат рақами 490, К № 0382083 рақамли имтиёзли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

\*\*\*

\*\*\*

\*\*\*

\*\*\*

\*\*\*

\*\*\*

\*\*\*


\*\*\*

Ёнимиздаги одамлар

Ёшинг улғайган сайин кўпни кўрасан. Тафак-куринг, муносабатларинг бойиб, чуқурлашиб бораверади. Бу ўз навбатида кечагидан бугун кўпроқ, бугундан эртага каттароқ муаммолар, севинчлар, изтироблар, шодликлар, аламлар келтираверади. Сен эса уни ҳаётдан олган таълимнинг, тажрибанг билан энгиб борасан.

Халқига ҳалол хизмат қилган инсон

Бугун ўзининг 75 ёшини қаршилаётган Юнус Мухторов бу ўғитни тез-тез такрорлайди. Зотан, унинг гоҳо равон, гоҳ машаққатли ҳаёт йўли кўпларга ибрат.



1947 йилнинг 20 февралда туғилган Юнус онасидан эрта айрилди. Отаси - оддий деҳқон Аҳтам ака фарзандларига ҳам ота, ҳам она бўлди. Болаларни шу зайдда улғайтирди, ўқитди. Одатда, отанинг изини боса оладиган, унинг йўлидан собитқадамлик билан юрадиган фарзандгина отага муносиб саналади. Чунки ота изи азиз ва муқаррам. Уни унутмаган фарзанд эса садоқатлидир.

Юнус отаси йўлини танлади. 1964 йилда Самарқанд (ҳозирги Тойлоқ) туманининг Сочак маҳалласидаги 26-мактабни тугатиб, туман санитария-эпидемиология станциясида дезинфектор бўлиб ишлади. 1966 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди. Диплом олгач, Ўзбекистон ветеринария илмий текшириш институтига ўн беш йил фаолият кўрсатди. Сўнг туман ветеринария лабораториясини бошқарди.

1981 йилда анча сиёсий ва иқтисодий билимга эга бўлган Юнусни раҳбарлар Самарқанд тумани партия кўмитасига ишга тавсия қилишди. Кейин 6 йил вилоят партия кўмитасида инструктор бўлиб ишлади. Тумандаги "Соҳибкор" ва "Барака" жамоа хўжалиги раиси бўлиб иш бошлаган кезлари бу хўжаликлар анча қолоқлик гирдобига тушиб қолган эди. Соҳада билим ва тажриба орттиргани қўл келди - чорвачиликни ривожлантирди, узум ва помидордан мўл ҳосил етиштириди.

Юнус ака эса "Борим шу", дейди камтарлик билан. Бугун Юнус ака ярим асрлик умр йўлдоши Соҳиди Насриддинова билан Самарқанд шаҳрининг Мирсаид Барака маҳалласида яшайди. Бу ерда бўлсангиз, одамлар отахоннинг хушмуомала, оқил, оққўнғил эканлигини эътироф этади. Оиласи иноқ, фарзандлари Назира ва Наргиза ҳаётда ўз ўрнини топган, етти нафар набираси атрофида парвона.

У кишини таниганлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, "Юнус ака доимо эзгу ишлар қилиб келган. Ажойиб шогирдлар тайёрлаган. Халқига ҳалол хизмат қилган инсон", дея мухтасар таъриф беришади. Юнус ака эса "Борим шу", дейди камтарлик билан.

Бугун Юнус ака ярим асрлик умр йўлдоши Соҳиди Насриддинова билан Самарқанд шаҳрининг Мирсаид Барака маҳалласида яшайди. Бу ерда бўлсангиз, одамлар отахоннинг хушмуомала, оқил, оққўнғил эканлигини эътироф этади. Оиласи иноқ, фарзандлари Назира ва Наргиза ҳаётда ўз ўрнини топган, етти нафар набираси атрофида парвона.

У кишини таниганлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, "Юнус ака доимо эзгу ишлар қилиб келган. Ажойиб шогирдлар тайёрлаган. Халқига ҳалол хизмат қилган инсон", дея мухтасар таъриф беришади. Юнус ака эса "Борим шу", дейди камтарлик билан.

Акрам ҲАЙДАРОВ.

Маҳалламизда ёзувчилар кўп. Ҳаммаси ҳар хил ёзади. Энг машҳурлари уч киши. Бири - ҳикоя ва қиссалар ёзадиган Жиян Кўзи (Жиянбой Кўзиёв). Иккинчиси - аҳоли муаммоларини ижтимоий тармоқларда ёритадиган блогер Хурсанд Маҳзун (бундан 5-6 йил аввал уни ҳамма "чап қўл ёзувчи" деб атарди). Кейингиси Олдибой Караев. Бу йигитнинг исми аслида Олдибой бўлиши керак эди. Бир оёгининг бармоқлари 6 та бўлгани учун момоси унга шу отни қўйган. Аммо паспортида Караев Олдибай Маллабаевич деб ёзилган. У туғилган йилда "ЗАГС" бўлимида ишлаган, рус мактабида ўқиган Алипа чеча гувоҳномасига шундай ёзиб қўйган экан.

Хуллас, бугун сизга қишлоғимиздаги шу - "учинчи ёзувчи" ҳақида ҳикоя қиламан. Тўғриси айтсам, "иккинчи ёзувчи"миз - блогер Хурсандбой бор-ку, ўша йигит кимга қандай ёзиш кераклигини Олдибойга ўргатиб туради. Олдибойнинг Хурсандбойдан фарқи ўзининг муаммолари ҳақидагина "катта"ларга ёзади.

Исмағям кўп нарса боғлиқ экан. Адашиб бўлсам гувоҳномасига Олдибой деб ёзиб қўйилгани учун бўлса керак, бу йигит фақат "олади". Бировга бир нарса берганини эслолмайман. Кўчадан қайсидир таниши ўтиб қолса бўлди, "келинг, бир "юз-юз" олайлик", дейди кўча бошидаги дўконга имо қилиб. Сотувчи Сотволди амаки камдан-кам нақд пулга савдо қилади. Қарияларга "пенсия тарқатганда оларман", деса, ёшроқларга "ойликдан ё болаларнинг пулидан берарсиз", деб молини ўтказишга ҳаракат қилади. Олдибой билан кимдир бирга кириб, ароқ ичадиган бўлса, тўлови албатта, ўша одамнинг бўйида.

Сотволди амаки ҳеч қаерда ишламайдиган Олдибойдан қарз ундириш қийинлигини билиб, унинг номига ёзмайдиган бўлган. Кейинги пайтларда Олдибойнинг ёзган хатлари инобатга олиниб, маҳалламизда уч марта раис алмашди. Хатларга жавобан ижтимоий ҳимояга муҳтож, деб унинг оиласига ёрдам кўрсатиляпти. Масалан, бепул товуқ берилди. Томорқасида 2 сохталик иссиқхона қурилди. Ўзини сектор раҳбариман, деб таништирган бир қориндор одам ёрдамчилари билан икки қути асалари бериб кетди. Мамлакатда касал-



лик тарқаб, карантин эълон қилинган паллада маҳалла раиси Бердимурод аканинг тавсияси билан 1 миллион сўм пул ҳам олди Олдибой. Ҳотамбой тадбиркор қишлоқдаги баъзи хонадонларга ун, шакар, картошка, пиёз тарқатганда у қуруқ қолмади. Қуруқ қолса, "маҳаллаком"нинг боши балога қолиши аниқ эди. Ёза-ёза бир соғин сигирли ҳам бўлди.

Бир куни у "устоз"и Хурсандбойнинг маслаҳати билан ҳокимнинг аҳоли учун ўтказган сайёр қабулида қатнашди. Имтиёзли кредитга аравачали мотоцикл сўраб, уловляям бўлди.

Барибир ҳаётдан кўнгли тўлмаётган Олдибой одатдагидек "маҳалла ёрдам қилмаяпти", деган мазмунда телевидениега хат ёзди.

Яқинда қишлоғимизга видеокамера ва микрофонларини кўтариб, журналистлар келди. Маҳалла раиси ва уларнинг ўринбосарлари билан хат муаллифи Олдибойнинг ҳовлисига кирди.

Мен Бердимурод Аллобердиев "маҳаллаком" бўлганимдан бери бу оилага фақат кўмак бериб келинади, - дея маҳалла раиси интервью бера бошлади ва Олдибойга берилган моддий ҳамда маънавий ёрдамларни бирин-кетин санаб кетди. - Мана, ўзингиз кўринг, каттагина томорқаси бор. Ҳайронман, нима етишмайди яна.

Телеоператор томорқани, хароб аҳволда ётган иссиқхона, тўзиб ётган молхона атрофини, қовшаниб турган сигирни,

ҳовли ўртасида турган асалари қутиларини тасвирга олди.

Шундан сўнг камера объективи хат муаллифи Олдибой Караевни "нишон"га олди. Журналист уни саволга тутта бошлади.

- Маҳалла раисининг гаплари ростми? - Рост!

- Товуқлар кўринмайди? - Қуруққа касал бўб ўлиб кетмасин деб сўйиб еб қўяқолдик.

- Касалланган товуқ гўштини ейишга қўрқмадингизми? - Ҳали касаллик тегмаганди уларга. Мабодо касалланиб ўлиб-нетиб қолмасин деб...

- Тушунарли, - деди журналист. - Мана, маҳалла фаоллари ёрдамида би-нойидек иссиқхона қуриб берилибди, нега самарали фойдаланмаяпсиз?

- Бунинг ичи иссиқ бўларкан. Бу ерда ишлаб, терлаб ташқарига чиқсам ва шамоллаб қолсам, "маҳаллаком" даволатмайди-ку мени?

- Бир мавсумда қанча асал оляпсиз? - Билмайман, янгангиз шуғулланади. 10 килоча олдиёв!

- Аравачали мотоцикл кўринмайди? - А, уни қайноғамга бервордим. Ўзимнинг ҳайдовчилик гувоҳномам, ҳайдашга уқувим ҳам йўқ... Кредитни қайтаришим ҳам амримахол.

- Сигирингиз мунча озгин, шунақа ориқ сигир беришдими ҳомилар.

- Йўқ, келганда ойдагига эти бор эди. Ем-хашакдан қийналяпти. Мен хат ёзишимнинг асосий сабабим шу эди ўзи, - деди Олдибой кўзлари чакнаб, ниҳоят, маҳалла раисининг айбини топган одамдек. - "Маҳаллаком"га қачондан бери айтаман, бир тележка сомондан ёрдам қилинг, деб. Маҳалламизда қанча фермер бор, бировига бир оғиз айтса, бу кишининг гапини ерда қолдирмайди-ку. Катта-катта фермерлар бир тележка сомонни менга ўхшаган муҳтожга берса, бир жойи камайиб қоладими?! Қайтанга савоб бўлади.

- Яхши, - деди журналист микрофонларини йиғиштираётиб. - Ҳаммасини теле-зорда кўрсатамиз.

- Бирор бир натижа бўладими? - деди Олдибой. - Бир тележка сомон обертасаларинг бўлгани, бошқа шикоятим йўқ.

- Вазифамиз сомон беришмас, сизнинг шикоятингизни кўрсатувимиз орқали раҳбарларга етказиш.

- Буни бутун республика кўрадимиз? - суҳбатга қўшилди бир чеккада турган Олдибойнинг хотини.

- Ҳа!

- Дадаси битта қаранг, - хотини Олдибойни четроққа тортиб, алланималар деди. Қайтиб келиб, журналистини саволга тутта бошлади:

- Мухбир ака, бу ховлимизни сьёмка қилиб нима қилардингиз?

- Биз ҳолис бўлишимиз керак. Борини кўрсатамиз.

- Барини кўрсатасизми?

- Ҳа, барини борича кўрсатамиз.

- Манов "парник"ниямми? Молхоналаримизниямми?

- Албатта, маҳалла томонидан нима ёрдам кўрсатилган, сиз ўндан қандай фойдаланяпсиз, кўрсатамиз-да.

- Э, қўйинг-ей, мухбир ака! Одам уялади, телевизорга чиқарманг! Қаранг, қандай расво бўб ётибди. Уйимга келишларингизни, видеога олишларингизни хаёлимга келтирмаман. Шунчаки "маҳаллаком" билан телефонда гаплашиб, шу Олдибойнинг сомон-помонига ёрдам қиб туринг, деб айтасизлар, деб ўйламан. Керакмас-ей, ҳеч қандай сомон-помон!

Тўлқин СИДДИҚ.

Bilasizmi?

Bugun kundalik yumushlarni bajarishda ko'p foydalaniladigan o'quv quollaridan biri - bu ruchka. Mazkur kashfiyot sohibi Jon Luad (AQSH) hisoblanadi. U bu ixtirosini 1888-yilning oktabr oyida qilgan bo'lsa-da, hozirgi ko'rinishdagi ruchkalar o'tgan asrning o'ttizinchi yillarida keng tarqala boshlagan.

RUCHKA qachon paydo bo'lgan?

Hozirda barchamizning qo'limiz-u ko'zimiz o'rgangan ruchka uchun vengriyalik jurnalist Jozef Laslo Biro patent olgan. Doimo yonida siyoh olib yurish va peroda qoladigan dog'dan xunob bo'lgan Biro qulay ish qurolini yaratish ustida jiddiy bosh qotiradi. IZlanishlar hosilasi o'laroq ilk patentga ega bo'ladi.

Mamlakat miqyosida ishlab chiqarish huquqini Buyuk Britaniya harbiy havo kuchlari sotib oladi va Argentinadagi "Tversharp" kompaniyasi ommadil jurnalistga o'sha davrda mislsiz boylik hisoblangan 1 million AQSH dollari miqdorida pul to'laydi.

Shunday qilib, jurnalisting o'z ishini yengillatishga bo'lgan harakati yangi ixtironing dunyoga kelishiga sabab bo'ldi.

Shohsanam USANOVA tayyorladi.

БУ ФОНИЙ ДУНЁ БИР ТАРОЗИ...

Бобоқанд Мирзо - 1980 йил Хатирчи туманида туғилган. Навоий давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. «Кўнглингизни топсам...», «Иккимиз икки олам» шеърый тўпламлари муаллифи. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ҳозирда Навоий вилояти телерадиокомпанияси директори ўринбосари лавозимига меҳнат қилади.

БИР КУНИ

Мен дунёдан ўтсам бир кун, Тупроққа эм бўлар жасадим. Чумолилар ифторлик қилар, Эҳсон бўлиш учун яшадим.

Мен дунёдан ўтсам бир кун, Қим тинглайди нолаларимни. Ёлвораман яратган Тангрим, Онамнинг е болаларимнинг.

Мен дунёдан ўтсам, савобим, Тегсин дейман ҳашаротларга. Капалакка айланиб бир кун, Келсам, инон башоратларга.

Мен дунёдан ўтсам бир кун, Тупроққа ҳам қонаса бурним. Дўстлар, Қуръон тиловат қилинг, Даврангизда билинса ўрним.

Мен дунёдан ўтсам бир кун, Йиғланг, майли, ўпкангиз тўлиб. Кучоқ-кучоқ теринг ҳар баҳор, Очиламан қизғалдоқ бўлиб.

Дунё мендан ўтса бир кун...

ДУНЁ

Мен сени танийман, биламан азал, Гапимга бир марта кулоқ сол дунё. Истасанг, шеър биттум, истасанг газал, Менинг қиёфамга қирақол дунё.

Ҳикмат бор каломда, эга, кесимда, Биламан, ҳалиям тетиксан, тетик. Ёдингами-йўқми, менинг эсимда, Онамнинг қорнида танишган эдик.

Май ичдим. Устимдан қулма, керилма, Ун икки қаричдир кесилган тилинг. Йигирма тўрт соат менга берилма, Сенинг тилинг бошқа ва бошқа дилинг.

Мени тўғри тушун, қасдим йўқ ҳаргиз, Найлайин, қалбимдан тўқилса, шу байт. Дунё, сендан хафа бўлмасин Наргиз, Менинг қиёфамга кирасани айт?!

Хўроз қичқирмоқда, отаяпти тонг, Сулув келинчақдек югургин, елиб, Ахир, мен бежизга урмайман бонг, Дунё, нима кўрдинг дунёга келиб?!

Дунё, нима кўрдинг дунёга келиб...

ҲИҚМАТЛИ ДУНЁ

Ҳар кимга ризқ берар азонда, Қимгадир армон - тонг палласи. Қайнамас йўқ, битта қозонда, Иккита кўчқорнинг калласи.

Эшитинг, бир тингланг товушин, Гувоҳлик беринг бир дақиқа. Қим кимнинг тўғрилар қовушин... Ҳасадми ва ёки Ҳақиқат.

Икки ўт ичди қанча жон, Ва қанча виждонлар ҳалақдир. О, қанча сўзларнинг бурни қон, Кузатиб тургувчи фалақдир.

Бу фоний дунё бир тарози, Не кўчқор калласин тортмаган. Ҳеч кимни қилмаган норози, Ҳисобли дўстликдан ортмаган.



БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН...

Бедарак йўқолган омадим, Минг йилда қўлингдан тутдим мен. Қаддим дол бўлди-ку, қоматим, Шу ёлғиз бекатда кутдим мен.

Мўйсафид чинорлар гап берди, Қисматим ўзимга гоҳ маълум. Ишонган дўстларим чап берди, Номаялум одамман, номаялум.

Оҳ, ичим қуяди, оҳ ичим, Кўз ёшим сепаман қирларга. Қисматим ўзимга гоҳ маълум, Келдингми, кўмилиб сирларга.

Тўрт томон ям-яшил армонзор, Усам-да, самога етмайман. О, менинг муштипар сўзим бор, Бедарак йўқолиб кетмайман.

Бобоқанд МИРЗО

Меҳр

Хадича хола қирқ йилдан буён шу корхонада фаррош бўлиб ишлайди. Бу орада қанча раҳбар келиб кетди. Лекин бирортаси Қобилжон сингари жамоага меҳр-муруват кўрсатган эмас, жамоа аъзоларининг мавқеидан қатъи назар, катта-кичик маъракаларда бош-қош бўлиб турарди. Хадича хола пенсияга чиққандан кейин ҳам илтимос қилиб, ишда олиб қолган ҳам шу Қобилжон.

- Онажон, ҳали куч-қувватингиз бор. Уйда зерикиб қоласиз, ишлайверинг, онамиздек бўлиб қолгансиз, сизсиз корхонамиз ҳувиллаб қолади...

Хадича хола тўлқинлини кетди, озгин қўллари билан кўз ёшларини артди.

- Майли, ўғлим, сен айтганингча бўла қолсин, Худо ўлимга сабр берса, ишлаганим бўлсин, - деди овози титраб.

Хадича хола озодаликни яхши кўради. Ходимлардан икки соат олдин келиб, хоналарни шамоллатади, чиннидай

Инсон манзаралари

қилиб артади. Бу ишни алоҳида меҳр билан қилади. Иссиқ жоннинг иситмаси бор. Бир кун Хадича хола-нинг тоби қочиб, тўшакка миҳланиб қолди. Сал ўзига келиб, офтобрўйга чиқиб ўтирганди, дарвоза ёнига машина келиб тўхтади. Қобилжон, ўринбосари Ҳакимжон, касабга уюшмаси раиси Ҳалимжон қўлларига иссиқ нон, мева-чева, қанд-қурс тўла пакет билан тушиб келишди.

- Ассалому алайкум, онажон! Узр, иш билан бўлиб, ҳолингиздан хабар ололмадик, - деди Қобилжон.

- Овора бўлибсизлар-да! Тузукман, умринг узоқ бўлгур ўғлим Раҳматжон дўхтирларга кўрсатиб, дори-дармон қилиб берди.

- Дардингиз аригани рост бўлсин, - деди Қобилжон. - Мана бу сизга санаторияга йўлланма, дам олиб келсангиз, отдек бўлиб кетасиз, бутун жамоа сизни соғиниб турибди.

- Умрларинг узоқ бўлсин, илоҳим! Хадича хола кўз ёшларини тўхтатолмади. Озгин қўллари билан ажин тушган юзларига фотиҳа тортиди.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Matbuot uyi Zarafshon Samarqandskiy Vestnik

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 22 022 nusxada chop etildi. Buyurtma 121. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

G.MO'MINOVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda